120994

Илм—ўзни билмакдир

# Маърифат

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 7 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. № 42 (6629).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АҲОЛИСИГА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол молларининг асосий турлари ва хизматларнинг эркин (шартномавий) нархларга ўтиши тугалланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг ўсиб бораётган харажатларини қоплаш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 октябридан 100 сўм миқдорда ҳар ойлик компенсация тўловлари жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ана шу компенсациялар ишлаб турган барча аҳолига, пенсионерларга, олий ўқув юртларининг талабаларига, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларининг ўқувчиларига, аспирантларга, докторантларга, боласи икки ёшга етгунча уни парваришлаш билан банд оналарга, иш билан таъминлашга кўмаклашиш муассасаларида рўйхатдан ўтиб, вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолига, яъни республикадаги деярли ҳар бир катта ёшдаги одамга тўланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, компенсациялар ойига бир марта иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, бола икки ёшга етгунча уни парваришлаш ва ишсизлик бўйича нафақалар тўланадиган муддатларда 1994 йилнинг сентябридан бошлаб тўланади.

4. Ушбу компенсацияларга даромад солиғи солинмаслиги кўзда тутилсин.

5. Компенсация тўловлари билан боғлиқ харажатлар республика бюджети, ижтимоий суғурта жамғармаси, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ва корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга молиявий мадад бериш учун компенсациялар тегишли миқдори (100 сўм)нинг 50 фоизи республика бюджети ҳисобидан қопланади. Шу мақсадда даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар чоғида ана шу миқдор истисно қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

уч кун муддат ичида компенсациялар тўлашнинг муваққат тартибини ишлаб чиқсин ҳамда вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига етказсин;

1995 йилги давлат бюджети лойиҳасини тузиш чоғида ана шу компенсация тўловлари миқдорларини аниқлашга оид таклифларни ҳукуматга тақдим этсин.

8. Мазкур Фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 31 август.

## МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИНИ ЯНГИ МАКТАБДА ЎТИШДИ

**Шиннам хоналарга, бежирим жиҳозларга эга бўлган мактаб биноси ўқитувчи учун бор имкониятларини юзага чиқаришда, ўқувчи учун эса яйраб илм олишда асқотадиган даргоҳ ҳамдир. Шундай қулайликларни ўзида мужассам этган 1266 ўринли янги мактаб биноси пойтахтимизнинг А. Икромов туманидаги Ўрикзор мавзеси аҳлига шодиёна кунлари тортиқ қилинди. 312-мактаб ўқувчилари кенг ва озода синфхоналарда янги ўқув йилини «1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни» мавзусидаги сабоқ билан бошлашди.**

Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.

### Акс садо

## «ҚИЙИНЧИЛИКЛАР—ЎТКИНЧИ, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН БОҚИЙДИР!»

Биз Ёзёвон тумани ўқитувчилар август кенгаши қатнашчилари тажрибали педагог Ш. Гадойбоевнинг «Маърифат» газетасининг шу йил 17 август сонида эълон қилинган «Қийинчиликлар ўткинчи, мустақил Ўзбекистон боқийдир!» мақоласидаги фикрларга тўлиқ қўшиламиз. Вақтинча қийинчиликларга сабр-чидам кўрсата олмаслик, мустақиллик эртасини кўра билмасликдир.

Президентимизнинг юртимизни порлоқ келажаги учун олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз!

**Кенгаш қатнашчилари номидан:**

**туман халқ таълими бўлими мудири Э. ИСОҚОВ, туман маориф ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси раиси Р. РАҲИМОВ.**

●

Мамлакатимиз ҳукуматининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ва давлатимиз обрў-эътиборини ошириш, миллий ва маънавий қадриятларимизни юксалтириш борасидаги сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз.

Бозор иқтисодига ўтиш даврининг вақтинчалик қийинчиликларини енгиб ўтиш ва бартараф этиш учун бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилмоғимиз, бутун билим ва тадбиркорлигимизни ишга солмоғимиз лозим. Қийинчиликлар олдида умидсизлик кайфиятига тушиш чинакам ватанпарвар ўқитувчи ва тарбиячи учун ярашмайди. «Маърифат» газетасида эълон қилинган «Қийинчиликлар ўткинчи, мустақил Ўзбекистон боқийдир» мақоласида таъкидланганидек: «Мактаб — келажак бешиги, уни фақат муаллимгина тебрата олади. Ана шундай шарафли касбга муносиб бўлиш энг катта саодатдир».

Бугунги кун муаллими мустақиллик жарчиси бўлиши лозим. У ўз билими билангина эмас, маънавияти, бугунги кун воқеаларига муносабати, келажакка ишончи билан ҳам замондошларига, айниқса, ёшларга намуна бўлиши керак. Биз буни чуқур англаган ҳолда бутун куч-ғайратимиз ва маҳоратимизни мустақилликни мустаҳкамлашга, келажаги буюк давлатимиз учун муносиб ватанпарвар фуқароларни тарбиялаш ва камол топтиришга сафарбар этамиз.

**Янгиариқ туман халқ таълими ходимларининг август кенгаши иштирокчилари номидан:**

**туман халқ таълими бўлимининг мудири**

**О. ҚУРБОНОВ.**

### Халқ таълими ва ҳокимият

## ДАСТУРИЛАМАЛ

Шу йил июль ойида республика Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқида мамлакатимиз истиқболи, ўзбек зиёлилари фаолияти ҳақида гапириб, **«Бизда келажакка катта умид ва ишонч бор. Ўзбекистон келажакда буюк давлат бўлади, деган сўзлар дабдабали шиор эмас, балки теран ўйлаб, пухта ҳисоб-китоблар негизида чиқарилган асосли хулосадир»**, деган эди. Бу сўзларда олам-олам маъно, келажак ва айтилган сўзга масъуллик, олижаноб мақсад бор. Кўзланган мақсадга эришиш учун бир жон, бир тан бўлиб ишга киришмоқ даркор.

Оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялаш мамлакатимиз сиёсатининг ўзагини ташкил қилади. Зеро, ўқувчиларда тарихимизга меҳр, Ватанга садоқат руҳини шакллантирмай туриб, бирон-бир ижобий натижага эришиш қийин.

Буюк давлат келажагини яратувчилар мактаб партасиданоқ тарбия топмоғи, илмли бўлмоғи лозим. Бунда асосий вазифани илм даргоҳи муаллимлари бажарадилар. Шу туфайли биз — раҳбарлар, энг аввало, муаллимларни бозор иқтисодиёти қийинчиликларидан муҳофаза этиш, улар бемалол ишлашлари учун шароит яратиб бериш имконини излаяпмиз.

Муаллим уйи, рўзғоридан кўнгли тўлгандагина мароқли дарс ўта олади, унинг иши бир маромли бўлади. Биз масаланинг ана шу жиҳатларини пухта ўйлаяпмиз. Уларнинг сўлим гўшаларда оиласи билан дам олишларини ташкил этаяпмиз.

Ҳозирги кунда жамҳуриятимиздаги деярли кўпчилик мактаблар замонавийлашмаган биноларда жойлашган. Бу ҳол юзаки қараганда, таълим-тарбияни кўнгилдагидай олиб боришга халақит бермайдигандай кўринади. «Нима, бино эски бўлгани туфайли ўғил-қизларнинг савияси пасайиб кетармиди?» деган киноя савол ҳам туғилиши мумкин. Фарғона

**Шокиржон ИСРОИЛОВ,**
**Фарғона тумани ҳокими**

●

тумани маорифчилари «Янги, замонавий биноларда ёшларни ўқитишга нима етсин!» — дейишлари турган гап.

Туманимиз ҳудудидаги 57 та мактабни қўшимча бинолар қуриш эвазига янгиламоқчимиз. Мустақиллик байрами арафасида 5 та мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Ўқув йили охиригача яна 7 та янги мактаб биносини ишга туширишни мўлжаллаяпмиз. Бу бинолар қурилиши жадал давом эттирилмоқда. 1996 йилгача барча ўқув даргоҳлари янги биноларга эга бўлишади.

Туманимиз ҳудудидаги мактабгача тарбия муассасаларида болалар онгига табиат ва инсонга ҳурмат, миллий қадриятларга эътиқод, халқлар дўстлигига садоқат каби тушунчалар сингдирилмоқда. Эртак, алла, лапар, қўшиқлар воситасида нафосат туйғулари шакллантирилмоқда. Масалан, «Ширинтой», «Юлдузча» болалар боғчаларининг жажжилари қадимги халқ қўшиқлари, урф-одатлар, удум-анъаналаримиз акс эттирилган саҳна кўринишлари билан бутун жумҳуриятга танилган. Бу ютуқлар билан фахрлансак арзийди.

Замон ўзгараяпти. Шу боис илм масканларимизнинг кўпчилиги ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтаяпти. Ҳокимият ёрдами билан 8 та мактабда атлас тўқиш, тикувчилик ва тўқувчилик кичик корхоналари очилди. Шу кунларда мазкур корхоналарда 500 дан ортиқ ўғил-қизимиз ҳам ҳунар, ҳам илм ўрганмоқдалар, ўзлари иқтисодий жиҳатдан фойда кўраётирлар. 1994 йил охиригача яна 8 та мактабда бошқа йўналишлар бўйича ҳам кичик корхоналар ташкил қилмоқчимиз.

Халқ маорифи жонкуярлари ва ҳурматли ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракати натижасида болаларга чуқур билим бериш, фанларнинг айрим тармоқларини ривожлантириш ва миллий қадриятларни тиклаш борасида қилган ишларимиз жумҳурият миқёсига кўтарилмоқда. Буни фахр билан тилга оламан. Қисқаси, туманимиз мактабларида олиб борилаётган ва олиб бориш зарур бўлган ишларимиз ҳамда тарбиявий юмушларимиз бир талай. Ахир, ҳокимиятнинг таълим-тарбия ва миллий қадриятларимизни бутун жумҳурият, ҳатто, халқаро майдонга олиб чиқаётган мўътабар муаллимларимиз ва ўқувчиларимизга ғамхўрлик қилишдан бошқа яна қандай зарур юмуши бўлиши мумкин? Ана шуларни инобатга олган ҳолда Фарғона тумани ҳокимлиги эскирган мактабларни янги замонавий бинолар билан таъминлаш, ўқитувчиларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашнинг турли имкониятларини қидириб топиш борасида бутун куч-ғайратларини аямайдилар.

**«Раҳбарлик — лавозим, мансаб эмас, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар дегани ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб-югурадиган фидоий инсон бўлиши керак».**

Юртбошимизнинг бу фикрлари бизнинг зиммамизга яна бир карра масъулият юклайди ва биз учун дастуриламал бўлиб қолади.

## ВАЪДАГА ВАФО ЖОИЗ

Шу йилнинг февраль ойида таҳририятимизга Нарпай туманидаги 43-мактаб ўқитувчиси Жамила Иброҳимова шикоят хати билан мурожаат қилганди. Унда аризачи туман газетаси «Пахтакор овози»нинг 1994 йил 15 январь сонида чоп этилган «Мақтанганнинг уйини кўр» деб номланган мақолада мухбир Н. Шоввозова 43-мактаб ҳамда шу мактабнинг айрим ўқитувчилари фаолиятига бир ёқлама ёндашганлигини маълум қилиб, мактаби ва ўз шаънини ҳимоя қилишда ёрдам беришимизни сўраганди.

Шикоят хатини ўрганиш мақсадида Нарпайда хизмат сафарида бўлдим. Маълум бўлишича, юқорида тилга олинган мақола туман ҳокимлигида муҳокама этилиб, тегишли қарор ҳам қабул қилинган. Унда: «Мактаб фаолиятини нохолис баҳолаганлиги, бунинг натижасида мактаб жамоаси ва ота-оналар ўртасида нотўғри фикрлар туғдирганлиги учун «Пахтакор овози» рўзномаси мухбири Н. Шоввозованинг масъулиятини кўриб чиқиш рўзнома муҳаррири Т. Тошмуродовга топширилсин», дейилган.

Нарпай тумани ҳокими С. Бобомуродовнинг шу масала юзасидан таҳририятимизга берган расмий жавобида эса «Пахтакор овози»да айнан шу мақолага нисбатан тегишли фикрлар билдирилиши айтилган. Орадан беш ой вақт ўтди. Бу вақт ичида аризачилар бир неча бор таҳририятимизга сим қоқишиб, ишнинг натижасини суриштиришди. Биз туман ҳокимига қўнғироқ қилиб, жавоб хати бўйича қилинган иш ҳақида сўраганимизда, тез орада газетада мақолага муносабат билдирилажагини айтди. Лекин нимагадир пайсалга солиб келинмоқда.

Шу ўринда туман газетасида танқид қилинган 43-мактаб жамоаси шаънига бир неча оғиз илиқ гапларни айтишни истар эдим. Негаки, улар, газетада ёзилганидек, мактабда ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилмаганлигини, аксинча тиришқоқ, ташаббускор директор Биноқул Ҳайитов бошчилигида бир тану бир жон бўлишиб, ўз мактаблари обрўсини ҳар жиҳатдан оширишга интилаётганликларини кўрсатишди. Шу йил туманда бўлиб ўтган «Йил мактаби» кўрик-танловида ғолиб бўлишиб, вилоят кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Газетада нохолис танқид қилинган муаллима Жамила Иброҳимова «Йил ўқитувчиси» туман кўрик-танловида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

### Бир хат изидан

Кези келганда, ушбу мақолага қисқача бўлса-да, мен ҳам ўз муносабатимни билдирмоқчиман. Мақолани ўқиган киши уни педагогикадан, тўғрироғи, сўнгги йилларда шакллана бошлаган замонавий педагогикадан юзаки хабардор киши ёзганлигини сезиши қийин эмас. Бунинг устига воқеага муносабатда мухбир негадир бир ёқлама хулоса чиқаришга мойиллик билдирган. Иш бор жойда хато бор. Биз Н. Шоввозова ўз мақоласида келтирган айрим камчиликларни инкор этиш фикридан мутлақо йироқмиз. Лекин, назаримизда, муаллиф, аввало туманда энг яхши ўқув муаассаларидан бири — 43-мактабда эришилган ютуқлар ҳақида гапириши ва шундан кейин уларни мустаҳкамлашга халақит бераётган камчилик ва нуқсонлар ҳақида сўз юритиши, уларни бартараф этишга оид ўз таклифларини ўртага ташлаши лозим эди.

Яна қайтариб айтаман. Мен бу ўринда Н. Шоввозова мақоласини батафсил таҳлил қилиб ўтирмадим. Зотан, кимгадир дашном бериш, заҳматкаш ҳамкасбларимизни заррача бўлсада, камситиш ниятим ҳам йўқ. Фақат шуни яна бир бор эслатмоқчиманки, мактаб — муқаддас даргоҳ, мактаб ҳақида айтилган ҳар бир сўз холис, саммий бўлмоғи, бағрида таълим-тарбия олаётган ўқувчилар қалбида тўғрилик, поклик каби туйғуларни шакллантиришга хизмат қилмоғи лозим.

Умид қиламизки, туман ҳокимлиги, «Пахтакор овози» газетаси таҳририяти бизни тўғри тушунишади. Ҳалиям бўлса-да, мазкур масала юзасидан туман газетаси орқали ўз муносабатларини билдиришади.

**Абдусамат РАҲИМОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

Биринчи қадам, биринчи қўнғироқ, биринчи муаллим... Шу уч нарса ҳамиша кишн қалбида яшайди. Уни барча ширин энтикиш билан эслайди. Қўлингга бўр, қалам тутишни ўргатган, «Алифбо» мўъжизаларини кўз ўнгингда кашф этган муаллим эса ҳар бир ўқувчи учун ота-онадай азиз бўлиб қолади. Тошкентдаги Беруний номидаги 243-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Жамила Камолова бу йил ҳам ҳар бири бир олам бўлган болаларни қувониб қучоғига олди.

Жамила Камолова кўзлари шодликдан чақнаган, билимга ташна ўғил-қизларни илк бор синфга етаклаб кирди. Топ-тоза тахтага оппоқ бўр билан оппоқ тилакларни ёзди. Бу тилаклар болаларнинг оқ дилларига эзгулик уруғлари бўлиб қадалади. Олдинда эса арава изидек узун йўллар, ортда фахрланса арзийдиган хотиралар...

Суратда: Ж. Камолова ўз ўқувчилари даврасида.

*Янгилаш даври, янгиланиш даври*

# ИЗЛАНИШ

Икки йилдирки, шаҳримиз мактабларида миллий мактаб моделини тузиш устида иш олиб бориляпти. Ушбу муаммони ҳал этиш учун 1-, 3-, 9-, 10- ва 12-мактабларда анчагина ишлар амалга оширилган. Масалан, Ҳамид Олимжон номидаги 3-мактабда жисмоний тарбия дарсларини шаклан ва мазмунан миллийлаштириш устида иш олиб борилаётган бўлса, Ойбек номидаги 12-мактабда ўқувчиларни миллий анъаналар руҳида тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Мирзо Улуғбек номидаги 10-мактабда эса ўқувчиларнинг онгига истиқлол мафкурасини сингдириш устида иш олиб бориляпти.

Миллий мактаб қиёфасини шакллантириш Алишер Навоий номидаги 9-ўрта мактабда ҳам амалга оширилмоқда. Мактаб ўқитувчилари шогирдларини ўз юртини севадиган, унинг улкан тарихий йўлини, ўзбек халқининг шонли фарзандларини яхши биладиган, ўз халқи маданияти, санъати, адабиётини қадрлай оладиган кишилар қилиб ўстиришни асосий вазифа деб билишади.

Миллий мактаб деганда жамоа, энг аввало, она тилини яхши, пухта биладиган ўқувчиларни тасаввур қилади. Шунинг учун ҳам фан ўқитилишига алоҳида эътибор бериляпти. Она тили ўқитувчилари Ш. Қодирова, Х. Ҳазратқулова олий тоифа, М. Яҳёева, М. Қаҳҳорова биринчи тоифага эга. Улар ўтаётган дарслар сермазмун, кўргазмали қуролларга бой. Шунингдек, мактабда она тили ва адабиёт фанларини чуқур ўрганиш синфлари очилган. Бу синфларда мумтоз адабиёт батафсил ўрганилаётир.

Ўзбек тили ва адабиёти бугунги кунда эски ўзбек ёзуви билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. 9-мактабда эски ўзбек ёзувини ўргатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. 1990 йилда М. Яҳёева эски ўзбек ёзуви тўгарагини ташкил этган эди. 1991 йилдан бошлаб эски ўзбек ёзуви фанидан факультатив машғулотлар жорий қилинди. Эндиликда ушбу фан 2-, 3- ва 5-, 9-синфларда ўтиляпти.

Ўзбек халқи қадимдан тил ўрганиш ва тил билишга катта эътибор берган. Буюк алломаларимиз ибн Сино, Беруний, Алишер Навоийлар араб, форс тилларини мукаммал билишган ва ушбу тилларда ижод қилишган. Бундан ташқари, ўзбек адабиёти асрлар давомида форс-тожик адабиёти билан узвий боғланиб келган. Буни яхши англаган мактаб маъмурияти 1992—93 ўқув йилида форс тилини ўрганувчи синфни ҳам очди.

Ўзбекистон бой амалий санъат ва маданий-мусиқий меросга эга мамлакатдир. Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири — халқ оғзаки ижоди турлари, халқ амалий санъати, ўзбек миллий мусиқасига хос турларни тарғиб этиб, уларни ривожлантиришдан иборат. Ривожлантириш иши — республиканинг эртанги куни билан боғлиқ. Буни яхши тушунган тасвирий санъат ўқитувчиси П. Акбаров, мусиқа ўқитувчиси М. Норматов ўз дастурларини миллий манбалар асосида қайта ишлаб чиқишди. М. Норматов ўз дарсларида ўқувчиларни қўшиқ, катта ашула, халқ ижодиётининг ҳар хил турлари, ўзбек бастакорлари ижоди билан ҳам яқиндан таништириб бормоқда.

Меҳнат дарслари ҳам мактабда миллий мазмун билан бойитиб борилмоқда. Қиз болалар қўйлак, уй жиҳозларини тикиш, гилам, палос тўқиш, ўзбек миллий таомларини пишириш ўзбекона муомала, меҳмон кутишни ўрганган бўлсалар, ўғил болалар ёғоч билан ишлаб, уни шарқона безатиш, уй-рўзғор буюмларини ясаш билан банд бўладилар.

Мактабда узвийлик ва давомийликка катта эътибор берилмоқда: бошланғич синф ўқитувчиларининг ўзбек тили, ўқиш ва бошқа дарсларда бошлаган миллий мактаб қиёфасини шакллантириш ишлари ўрта синфларда давом эттирилмоқда. Бу борада 1—4 ва 5—11-синфларда жорий этилган одобнома, ўзбек тили, меҳнат, мусиқа, тасвирий санъат дарсларининг бир-бирига боғлиқлиги, синф раҳбарларининг бошланғич синф ўқитувчилари билан ҳамкорлиги эътиборга лойиқ.

**С. ХИДИРОВ,**
**Гулистон шаҳар халқ таълими бўлими бош мутахассиси, олий тоифали ўқитувчи, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.**

## АНДИЖОН ЯНГИЛИКЛАРИ

### ТАРИХ ТИЛСИМЛАРИНИ ЖАМЛАБ

Избоскан тумани Фурқат номидаги 20-ўрта мактабда музей ташкил этилганига 34 йилдан ошди. Йиллар давомида унинг экспонатлари кўпайиб борди. Ундаги 12 мингдан ортиқ экспонатлар кулолчилик, заргарлик буюмлари, қоғоз пуллар, хорижий ва шўро даври тангалари, муҳрлар каби бўлимларга ажратилган. Экспонатларни тўплашда С. Тожибоев, А. Абдураҳмонов, У. Тўйчиев каби ўқитувчи-устозлар, ўқувчилар, педагогик жамоа ҳамда қишлоқ аҳли фаол иштирок этдилар.

Ҳозирги вақтда музей ишларини янада равнақ топтириш, оммалаштириш борасида, шунингдек, экспонатлар, техника восталари асосида дарс ўтишда А. Абдураҳмонов, Б. Ўролов, М. Насриддинова, Х. Элибоева, И. Исмоилов каби ўқитувчи-педагоглар сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

### КИЧИК УҒЛОН ЮТУҚЛАРИ

9 ёшли 5-синф ўқувчиси Авазбек Қосимов кирилл ҳарфи эски ўзбек ёзувидан ташқари Авазбек лотин ёзувида ҳам бурро ўқийди ва ёзади.

Избоскан тумани ХТБ қошидаги «Зудлик гуруҳи» томонидан синаб кўрилган ва иқтидорли деб топилган Авазбек Қосимов қисқа муддатда бошланғич таълимни якунлади. Ҳозир у 5-синфда ўқияпти. 32-мактаб қобилиятли ва тиришқоқ ўқувчисини Фахрий ёрлиқ ҳамда стипендия билан тақдирлади. Унинг номи мактаб «Фахрий китоби»га ёзиб қўйилди.

Авазбек мустақил Ўзбекистон, унинг давлат рамзлари хусусида чуқур тушунчага эга. У 1992—93 ўқув йилида вилоятда бошланғич синфлар ўртасида ўтказилган «Мен мустақил Ўзбекистон фуқаросиман» кўрик-танловида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади.

Авазбекдан ютуқлари сирини сўрасангиз, у устозлари Фотима Зайдинова ва Сайфутдин Қодировлар хизматларини алоҳида айтиб ўтади.

Сафура САЪДИЕВА.

*Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги*

# БУЮК МУНАЖЖИМ, МУТАФАККИР

Муқаддас заминимиз дунёга кўплаб ажойиб алломаларни, қомусий даҳоларни етказиб берган. Улар яратган дурдона асарлар жаҳон фани ва маданияти хазинасини бойитиб, номлари тарихнинг олтин зарварақларига абадул-абад зийнатлангандир. Ана шулардан бири буюк соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли набираси, фалакиёт илмининг султони Мирзо Улуғбекдир.

Маълумки, Улуғбек риёзиёт илмлари билимдони, зукко тарихчи, истеъдодли нотиқ, ихтирочи-муҳандис, маърифатпарвар давлат арбоби бўлган. Алломага, айниқса, фалакиёт соҳасидаги илмий мероси жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Бироқ, минг афсуски, ҳозирги астрономия дарслигида хорижий ва ўрис фалакшуносларн фаолиятига жиддий эътибор берилган ҳолда, жаҳон илм аҳли эътироф этган «Буюк кузатувчи» (Лаплас) Улуғбек ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Услубий қўлланмаларда ҳам унинг илмий мероси етарли даражада ўз аксини топмаган. Миллий қадриятларимиз тикланаётган ҳозирги дамда алломанинг бебаҳо меросини кўп ва хўп ўрганишни ҳаёт тараққиёти тақозо этмоқда.

Биз қуйида Улуғбекнинг астрономияга оид илмий меросини дарс жараёнида баъзи мавзуларга боғлаб ўрганишни ташкил этиш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

«Телескоплар» мавзусини ўрганишда Улуғбек расадхонасининг бош «телескопи» — секстант (айлана ёйининг олтидан бир бўлаги) асбобининг ҳайратомуз аниқлик даражаси, XVII асргача, яъни оптик телескоплар ихтиро этилгунга қадар энг ноёб бўлгани уқтирилади. Ер сатҳидан 28 метр баландликда жойлашган секстантнинг меридиан ёйи 40,2 м, ёйининг узунлиги эса 50 м эканлиги таъкидланиб, шу пайтгача квадрант деб ҳисоблаб келинган бу асбоб секстантнинг мукаммал намунаси эканлиги ажойиб олимлар Т. Н. Қори-Ниёзий, Ғ. Жалолов, В. П. Шчегловлар томонидан исботлаб берилгани айтиб ўтилса, фойдадан холи бўлмайди.

1977 йил 2 августда Қрим астрофизика расадхонаси ходими Н. Черних томонидан 2439 рақамли кичик сайёра (астероид) кашф этилиб, унга Улуғбек номи берилди. «Астероидлар» мавзусини ўтиш жараёнида бу ҳодисани таъкидлаб ўтиш ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Улуғбекнинг юлдузлар жадвали номи билан маълум ва машҳур бўлган шоҳ асари «Зижи жадиди Кўрагоний» бўлиб, бу асардан дарс жараёни ва синфдан ташқари ишларда ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Асар икки катта қисмдан иборат бўлиб, муқаддима ва 1018 юлдузнинг осмон тоқидаги ўрни ҳамда ҳолати ифодаланган зиж (жадвал)ни ўз ичига олган. Муқаддиманинг ўзи тўрт қисмдан таркиб топган ва биринчи мустақил қисми VII бобни ташкил этади. Сана ва йил ҳисоблари (тақвимлар) саласига бағишланган бу қисмда юнон, араб, эроний, хитой, уйғур эралари, уларнинг миллий байрамлари, эраларнинг келиб чиқиш манбалари хусусида баҳс юритилади. Ўқувчиларга ана шулар, айниқса, Умар Хайём тақвими тўғрисида маълумот берилса, уларда катта қизиқиш уйғотиши мумкин. Умар Хайём томонидан 1074 йилда тузилган тақвим «Маликий» деб номланади. Унда йил узунлиги 365 кун 5 градус 49 минут 5,5 секундга тенг. Амалдаги Григорий тақвимида 3300 йилда бир суткага хатоликка йўл қўйилса, Хайём тақвимида эса 4500 йилда бир сутка фарқланиш бўлади. Баҳорги тенгкунлик — Наврўздан бошланадиган бу тақвим ер куррасидаги йил ҳисобларининг энг аниғи ва мукаммалидир.

«Зиж»нинг иккинчи қисми XXII бобдан иборат бўлиб, ундаги IX бобдан «Эклиптика» (фалак-ал бурж) мавзусида фойдаланиш ўринлидир. Улуғбек томонидан фалак ал бурж қиялигини аниқлашдаги мураккаб жараён ўта юксак аниқ ўлчангани кишини ҳайратга солади. Оғиш бурчагининг миқдори Самарқанд расадхонасидаги натижаларга кўра Е-23 градус 30 минут 17 секундга тенг. Бу қиймат бугунги кундаги миқдордан 28 секунд фарқ қилади, холос.

Асарда Самарқанд шаҳрининг кенглиги 39 градус 37 минут 33 секунд ўлчовда берилади. Академик Шчеглов аниқлаган 39 градус 40 минут 37 секунд кенгликни юқоридаги ўлчов билан солиштирсак, Улуғбекнинг салоҳиятига яна бир бор қойил қоламиз.

«Зиж»нинг Ш қисми ХШ бобдан иборат бўлиб, у «Юлдузларнинг равшанлиги ва номи» деб аталади. Бу қисмни теран таҳлил қилиш орқали расадхонада юлдузлар оламининг глобуси бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Академик В. П. Шчегловнинг Буюк Британияга қилган сафари чоғида машҳур Оксфорд университети қошидаги фан музейи ходимлари унга аллома Улуғбекка тегишли бўлган глобуснинг тавсифини тақдим этадилар.

Улуғбекнинг «Зиж»ининг илк тарғиботчи-тадқиқотчилари орасида поляк олими Ян Гевелий алоҳида ажралиб туради. Унинг 1690 йилда нашр этилган «Астрономия даракчиси» китобидаги 2 та расм диққатни жалб қилади. 1-расмда Улуғбек фалакиёт ҳудоси Уранияннинг ўнг томонида, ёнгинасида ўтирибди. Атрофида тўрт таниқли фалакшунос тасвирланган. 2-расмда эса куррамизнинг 9 астрономи даврасида яна Уранияннинг ўнг томонида, учинчи бўлиб Улуғбек ўтирибди. Бу зукко ватандошимизнинг дунёвий мавқеидан далолатдир. «Расадхоналар» (обсерваториялар) мавзусини ўрганишда, ўз даврида жаҳондаги энг мукаммал ва ноёб бўлган Улуғбекнинг Самарқанддаги расадхонаси ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Ғ. Жалоловнинг тарихчи Мирхонднинг «Равзат-ус сафо» асари ҳамда Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг отасига ёзган мактубларига асосланиб чиқарган хулосаларига кўра расадхона 1420 йилда қуриб битказилган. Расадхона тархини Ғиёсиддин Жамшид чизган. Бу илм кошонаси Самарқанддаги Кўҳак тепалиги яқинида, Обираҳмат ариғи бўйида тикланган. Расадхонанинг баландлиги 30,4 м, айланаси 46,4 м га тенг бўлиб, уч қаватли, нақшинкор, тўғарак бино эди. Расадхонанинг асл ўрнини Обираҳмат ариғи бўйидаги «Пойи расад» тепалигидан археолог В. Л. Вяткин аниқлаб, жаҳоншумул кашфиёт қилди.

Дарҳақиқат, Мирзо Улуғбекнинг қутлуғ номи, Самарқанд академияси (Вольтер)нинг шон-шуҳрати XV асрдаёқ маълум ва машҳур эди. Алишер Навоий Мирзо Улуғбек ҳақида:

**Қиёмат дегунча то аҳли айём,**
**Битурлар анинг аҳкомидин аҳком.**

— дея башорат қилганди.

Дарҳақиқат, Улуғбек академияси Машриқдагина эмас, Мағрибда ҳам илм-фан ривожи, равнақига салмоқли таъсир этди. Зотан, аждодлар меросини ўғил-қизлар онгига сингдириб бориш мактаб муаллимларининг муқаддас бурчидир.

**Рустам АБДУВОҲИД ўғли,**
**Оҳангарон тумани, Муқимий номидаги мактабнинг олий тоифали муаллими.**

*Соғлом авлод учун*

# ИЛК ТАЖРИБА

Таълим ва тарбия узвийлиги ёш авлодни баркамол кишилар қилиб тарбиялашда асосий омиллардандир. Мактаб билан ҳамнафас яшаётган ҳар бир киши олдида «Мактабларда олиб бориладиган тарбиявий ишлар ўқувчини ҳаётга тўлиқ тайёрлай олаяптими?» деган савол пайдо бўлиши табиий.

Мен қизларни турмушга тайёрлаш масаласини мактаб курсида ҳам олиб бориш тўғрисида кўпгина ота-оналар, муаллимлар ва зиёлилар билан учрашиб, уларнинг хоҳиш-истакларини ўрганиб, шундай фикрга келдим: «Ўқув режасида чақириққача ёшдаги йигитларни тайёрлашга 132 соат, қизларга эса 66 ўқув соат ажратилиб, XI синфда ўқиётган қизларга 66 ўқув соатига дарс қўйилмаган. Бу ўқув соатидан мактаблар ўз ҳолича фойдаланишиб келмоқда. Фикримча, ундан XI синф ўқувчи қизларини турмушга, ҳаётга тайёрловчи янги фанни ўтишда фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Биз бу фанни «Соғлом авлод учун» деб атадик.

Кўпгина миллат қизларида иффат, ибо каби олижаноб фазилатлар мавжудки, қизлар ўзларида содир бўладиган жинсий ўзгаришлар, келинчаклик ҳаёти, она бўлиш бахти каби кўпгина ҳолатларни ота-оналари билан очиқчасига гаплаша олмайдилар. Оқибатда баъзи қизларимиз ёмон ниятли кишилар қўлига тушиб қолиб, ўз келажакларини бой беришади. Баъзи бир ҳолларда ёш келинчаклар ҳомиладорлик, чақалоқни парвариш қилиш даври гигиеналарини билмасликлари оқибатида бирор дардга йўлиқишлари мумкин.

Юқоридаги муаммоларни ечишга озми-кўпми ҳаракат қилувчи «Соғлом авлод учун» дарсининг лойиҳавий режасини ҳамкасбларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Тахминий режа 7 бўлимдан иборат бўлиб, унда дарс мавзуси ва мақсади кўрсатилган, ажратилган соатлар акс эттирилган. Жумладан, кириш (1 соат) қисмида «Соғлом авлод учун» дарсининг мақсадини ёритиш кўзда тутилади. Иккинчи қисм (6 соат) «Қизлар ва ёш аёллар гигиенаси» деб аталади. Учинчи қисм (10 соат) «Ҳомиладорлик ва чақалоқни парвариш қилиш даври гигиенаси», Тўртинчи қисм (10 соат) «Чақалоқни озиқлантириш», бешинчи қисм (15 соат) «Оилада бола тарбияси», олтинчи қисм (18 соат) «Биринчи медицина ёрдами» деб аталади. Еттинчи қисм «Такрорлаш»дан иборат бўлиб, унга 6 соат ажратилган.

Мавзу режасида машғулотларга икки соатдан вақт ажратилган. Унинг бир соати назарий бўлиб, иккинчи соатини амалий машғулотга сарфлаш кўзда тутилган. Уч марта синов дарслари ўтказиш ҳам мўлжалланган.

Машғулот мавзулари «Балоғат ёшидаги қизлар гигиенаси», «Турмуш қурган аёллар гигиенаси», «Она бўлиш бахти», «Ҳомила», «Ҳомиладор аёллар гигиенаси» тарзида берилган.

Дарслар маъруза ва суҳбат усулида олиб борилади. Машғулотларни тажрибали тиббиёт ходимаси ўтади.

Соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги бу тажриба яхши самара беришидан умидвормиз.

**Маҳаммадамин ЖЎРАЕВ,**
**Бувайда туманидаги 21-ўрта мактаб илмий бўлим мудири, олий тоифали ўқитувчи.**

Шу кунларда республикамиздаги барча илм масканларида ўқув машғулотлари бошлаб юборилди. Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги 16-мактабнинг педагоглари ҳам таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида олиб бориш ниятидалар.

Суратда: мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари галдаги вазифалар хусусида суҳбатлашишяпти.

А. Бойжигитов олган сурат.

# СТАДИОНДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

Мустақиллик байрами ҳур, озод юртимизнинг шаҳар ва қишлоқлари, маҳалла ва гузарлари, корхона ва муассасаларида шодиёна билан нишонланди. Энг катта тантаналар эса Мустақиллик майдонида бўлиб ўтганига барчамиз гувоҳмиз.

Талабалар шаҳарчасида қутлуғ байрам бу сафар янги қурилган стадионда нишонланди. Қўш байрам — Мустақиллик куни ҳамда янги ўқув йилининг биринчи куни — йиғинга ўзгача файз, тароват бағишлади. Тошкент давлат университети, Тошкент давлат техника дорилфунуни талабалари, ўқитувчилари, хизматчилари «Ёшлик» ҳокимияти жамоаси тўпланишган бу тантанада йигит-қизлар ширин лутфлар қилишди, шеърлар ўқишди, нотиқларга сўз беришди. Биринчи бўлиб ТошДУ ректори, Ўзбекистон халқ депутати, академик Т. Жўраев сўз олди.

— Мана, уч йилдирки, юртимиз осмони узра Мустақиллик байроғи ҳилпираб турибди, — деди ректор ўз сўзида. — Бу асрий орзу-армонларимизнинг ушалиши демакдир. Мустақиллигимизнинг ҳар йили бир неча ўн йилларга тенгдир. Истиқлолдек буюк неъматнинг қадрига етайлик. Бу сизу бизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Чуқур билим бериш, чуқур билим олиш, етук мутахассис бўлиб етишиш, етиштириш ҳаммамизнинг энг катта бурчимиз, мустақилликка қўшган салмоқли ҳиссамиз бўлади.

Тошкент давлат техника дорилфунуни проректори, профессор А. Садриддинов ўз сўзида республикамизга юқори малакали мутахассисларни кўплаб етиштириб беришга Талабалар шаҳарчасида ёнма-ён жойлашган икки забардаст университет катта ҳисса қўшаётганлигини алоҳида таъкидлади.

— Ватаннинг мустақиллигини кўриш, унинг тантаналарида иштирок этишдан ҳам катта бахт йўқ, — деди Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. — Бамисоли нурлар линзага тушгани, йўғрилгани сингари иқтисодиёт, маънавият, маърифат ҳақидаги сўзларимиз, тушунчаларимиз бари Ватан туйғусига жамланади, жо бўлади. Мустақил, дахлсиз Ватанимиз ҳаммамизга муборак бўлсин, азиз дўстлар!.

Ҳуш-хурсандчилик, дийдорлашиш, спорт ўйинлари кун бўйи давом этди.

Сайди УМИРОВ.

*Мактабгача тарбия муассасаларида*

# ИЖОДКОРЛИК БОР ЖОЙДА

Бешариқ туманидаги мактабгача тарбия муассасалари ходимлари ҳозирги тақчиллик даврида боғчаларни зарур жиҳозлар билан таъминлашнинг энг қулай ва фойдали усулини танладилар. Бир йил бурун тумандаги барча боғча тарбиячилари ўртасида болалар ўйинчоқларини тайёрлаш бўйича мусобақалар, ижодий кўрик-танловлар бошланган эди.

Яқинда туман халқ таълими бўлимининг ташаббуси билан ана шу тадбирнинг навбатдагиси ўтказилди. Унда 14 нафар боғча тарбиячиси қатнашди. Кўрик-танловга «Болаларнинг севимли ўйинчоғи» деган ном қўйилди. Махсус безатилган залда миллий либослар, ҳунармандчилик ва кулолчилик ишлари, қоғоздан маҳорат ва нозик дид билан ясалган ажойиб ўйинчоқлар намойиш қилинди. Кўрикда «Бойлик», «Булбулча» ва Нодира номидаги боғча ходимларининг ижодий ишлари ибратли, деб топилди ҳамда бу ишларнинг баъзилари бадиий буюмлар фабрикасига ишлаб чиқариш учун тавсия этилди.

Ижодий иш турларидан «Уч айиқ», «Зумрад ва Қиммат», «Ур, тўқмоқ» каби эртакларнинг қаҳрамонлари, «Дор устида ўйин», «Эгизак олмахонлар», «Митти тандирхона» номли манзарали лавҳалар кўпчиликнинг эътиборини тортди.

— Ижодкорлик миллий тарбияда энг муҳим омил бўлмоғи лозим, — деди туман халқ таълими бўлими услубчиси Кароматхон Азимова. — Биз тарбия масканларимиз учун зарур ўйинчоқларни ўзимиз ясаяпмиз. Бундан кўзланган мақсад жажжи болакайларни ўйинчоққа зориқтириб қўймаслик, шу билан бир қаторда, ходимларимиз ўртасида фаол муҳитни яратишдир.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

# ОРИФЛИК МЕҲР-МУҲАББАТДАН БОШЛАНАДИ

**Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Бахтиёр ШАРИПОВга**

**ОЧИҚ ХАТ**

Бахтиёр ака! Ассалому алайкум!

Жиззахда бўлиб, ишларингиз билан танишиб қайтганимизга ҳам анча бўлди. Таассуротларим билан бўлиб, кўнглимдагиларни анчагача қоғозга туширолмай юрдим.

Мана, энди Сизга ушбу хатни битаяпман.

Янгилаш, янгиланиш даврида яшаяпмиз. Ҳар қадамда бир муаммо, ҳар қадамда бир янгилик. Маорифда ҳам.

«Маорифчи қандай бўлмоғи керак?». Мана, муаммоларни ечишдаги асосий калитлардан бири. У, аввало, ориф бўлмоғи лозим, — дедингиз. — Орифликнинг асосларидан бири эса одамга меҳр-муҳаббатдир».

Ҳаёт аслида жуда оддий: фоний дунё билан боқий дунё орасидаги Умр дея аталмиш оний дақиқа «йилт» этади-ю ўчади. Шу лаҳза ичида кимдир ўзидан бирор из қолдиради, кимдир нишонсиз кетади. Мавлоно Жалолиддин Румийда шундай сатрлар бор:

Агар ўлсам, мени сиз ҳеч қаро
туфроқдин ахтарманг,
Яшарман аҳли ориф кўнглини
мангу макон айлаб.

Зеро, дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Фақат, шоир айтганидай, «Меҳр қолур, муҳаббат қолур». Қалбингизда худди ана шу меҳр дарёсининг мавж уриб туриши барча эзгу ишларингизнинг калити эканлигидан қувондик. Болалар уйи шароитини яхшилаш ва уни бошқа бинога кўчириш йўлида елиб-югуриб, вилоят ҳокими фармойишининг чиқарилишига эришганингиздан жуда мутаассир бўлдик.

Убайд Закоий шундай ҳикоят келтиради: «Бир куни зиндонбон подшо ҳузурига келиб, арз қилибди:

— Шоҳим, биз ўтган йили зиндонбанд этган чол ақлдан озганга ўхшайди, ҳар куни ўзи билан ўзи сўзлашади.

Подшо чолни ҳузурига чорлабди.

— Эй чол, ҳар куни ким билан сўйлашасан? — дея сўрабди у.

— Қадрим билан ҳасратлашаман, — деб жавоб берибди чол».

Биз неча йиллар давомида инсон қадр-қиммати тўғрисида айюҳаннос солиб келдик, энг буюк қадршунослармиз, дея кўкрагимизга урдик. Аслида-чи? Аслида уларнинг кўнгил тубига бирров бўлса-да, назар ташламадик.

Бахтиёр ака, вилоятдаги нафақада бўлган барча ўқитувчиларни Янги йил ҳамда Наврўз байрамларига чорлаб, кўнглини кўтариб, совға-саломлар улашиб, жуда катта савобли иш қилибсиз. Зеро, инсон қўлидан иш келиб турган пайтдагина эмас, ҳамма вақт қадрли бўлиши керак. Айниқса, ўқитувчига ана шу эътибор жуда зарур.

Бугунги кунда барча соҳалар қатори халқ таълимини бошқариш ҳам зукколик ва билимдонлик билан биргаликда тадбиркорликни ҳам тақозо қилади. Шу жиҳатдан қараганда, Сизнинг ўқув-таъминот базасига кенг имкониятлар очиб, мавоза (бартер) асосида Россия, Украина, Молдова, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Беларусь каби давлатлардан қурилиш материаллари, ўқув жиҳозлари келтираётганингиз ёйишга арзигулик ишдир. Баъзи туман ҳокимларининг қурилиш анжомлари сўраб Сизга мурожаат этишларининг ўзи тадбиркорлигингизнинг энг катта баҳоси ҳисобланади.

Бир йил, албатта, қисқа муддат. Лекин Сизнинг ҳар бир дақиқангиз мақсад сари курашлар билан кечаётгани, маорифимиз шавкатини ошириш, келажагимиз пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида ўтаётганининг гувоҳи бўлдик. Вилоят халқ таълими музейининг ташкил этилиши муаллимнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини кўрсатиб турувчи нафис кўзгудир. «Ўқитувчилар уйи»нинг қурилиши, «Болалар ва ўсмирлар ижодий маркази» ҳамда ўқитувчилар дам олиш уйи учун қўшимча бинолар солиниши имкониятларингизнинг кенг қулоч ёйганидан далолатдир. Вилоятда 467 та мактаб, 15 та ҳунар-техника билим юрти, 115 та боғча, 38 та мактабдан ташқари муассаса, 3 та мактаб-интернат мавжуд экан. Уларнинг-да ўз ташвишлари, муаммолари Сизнинг гарданингизда. Лекин, излаган имкон топар экан. Тадбиркорлик ҳамма нарсани юзага чиқаради. «Маблағни қаердан оласизлар?» дея сўраганимда, «Кейин кўрасиз», деб кулиб қўйгандингиз. Кўрдик ўша манбани. Ҳунар-техника билим юртини «Кичик комбинат»га айлантириб юборибсиз. Нафис гиламлар, бежирим пайпоғу кўйлаклар, ҳатто йигирув цехларини кўриб, тадбиркорлигингизга яна бир бор қойил қолдик. Бошқарманинг вилоятдаги барча иқтидорли ўқувчилар мактабларини моддий жиҳатдан ўз қарамоғига олгани, мактаблар таъмирига ҳомийлик қилаётганининг бежиз эмаслигига амин бўлдик.

«Раҳбар юқтирувчи бўлади. Унинг яхши хислати ҳам, ёмон хислати ҳам қўли остидагиларга юқади», деган гапи бор Андрей Вознесенскийнинг. Сиздаги интилувчанлик, жўшқинлик, тадбиркорлик, ўз кучига, имконият-га ишонч, умуман, маорифга муҳаббат оддий муаллимдан тортиб туман халқ таълими бўлими мудиригача, мактаб директоридан тортиб муовинларингиз Бухорбой Акромов ва Асадулло Маматов тимсолида жилваланмоқда.

Сафар давомида ишларингизни кўриб, менда туғилган мулоҳазалар мана шулар. Энди бир-икки оғиз ўзингизга тегишли гаплар.

Сиз билан илк дафъа учрашганимизда, рости, менга сергапроқ туюлдингиз. Лекин, кейин амин бўлдимки, Сиздаги бу атвор интилувчанлик, ўз ишидан завқланиш белгиси экан.

Ўйлаб кўрсам, биз кўпдан бери ўз ишимиздан завқланишни унутиб қўйган эканмиз. Балки бунга узоқ йиллар давомида ташаббускор бир четда қолиб, ҳар қандай ишга дасти узунлар эгалик қилиб кетаверганликлари сабаб бўлгандир. Демоқчиманки, ишнинг ўз эгасигина чинакамига завқлана олади. Шукрлар бўлсинки, энди бировнинг янги тўнини кийиб керилиш даври орқада қолди. Иш эгаси замонида яшаяпмиз. Қани, энди Сизга ўхшаб амалий ишлардан шавқланиб сўзловчилар сафи кенгайса!

Сиз билан илк бор учрашган киши даставвал «Ғалатироқ одам экан, ҳеч ким ўз камчиликларини ўзи ёйиб юрадими?» деб ўйлаши, табиий. Сиз эса «Таъминот масалаларини ташкил этишда тажрибам бору, лекин таълим методикасидан ўрганадиган жойим кўп», дея гапиришдан чўчимайсиз. Иккиюзламачи дўстлар пана-панадан яқин-йироққа хат ташлаш учун «асос» бўлиши мумкин бўлган камчиликларингизни ўзингиз айтиб қўя қоласиз.

Фақат айтиб қўйиш билан чекланганингизда эди, буларни ёзиб ўтирмасдим. Ўзингиз айтмасангиз ҳам эшитдик. Иш ўрганиш, малака ошириш учун Самарқанд вилоятига — тажрибали педагог, халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳасан Нормуродов ҳузурига тез-тез бориб турар экансиз. Шу мақсадда Хоразм вилоятига ҳам бориб келибсиз.

Нафсиламбирини айтганда, билмаганни тан олиш тантилик, билмаганни билиб олиш тиришқоқликдир. Тантилик ҳақида бежиз сўз очмадим. Сиз ҳали бошқармага бошлиқ бўлиб келгунингизча Бахмал тумани халқ таълими бўлими мудири Саидаҳмад Мирзабеков шу лавозимга кўрсатилаётган номзодлардан бири эди.

Тажрибали бўлим мудирлари ҳақида гапириб беришингизни сўраганимда, биринчилар қатори С. Мирзабековни тилга олдингиз: «Маориф одами. Устозим деб биламан». Мен бу билан баҳонгизни оширмоқчи эмасман. Мени мамнун қилган жойи — Мирзабеков Сиз ҳақингизда фикр билдирганида у киши хусусида Сиз нима дейишингиз менга қоронғи эди. Саидаҳмад ака билан бугунги раҳбар учун қайси фазилат муҳимроқ деган мавзуда суҳбатлашиб қолдик. «Тадбиркорлик муҳимроқ, — дея жавоб берди у, кейин кутилмаганда Сиз ҳақингизда сўз очди. — Бахтиёрнинг бошлиқ бўлиб келгани яхши бўлди. Унинг ўрнида мен у қилаётган ишларни бажара олмасдим, деб ўйлайман».

Балки Мирзабеков одоб юзасидан шундай дегандир. Лекин у буни шу қадар очиқ юз билан айтдики, бу сўзлар чин дилдан изҳор қилинаётганига шубҳа қилиш носамимийлик бўлур эди. Очиғи, бир ўринга даъвогарлар кўпинча узилишиб кетади. Кўз тегмасин!

Туманларда бўлганимизда вилоят ҳайъат йиғилишларининг жойларда ўтказилаётганини маъқуллаб гапиришди. Илгарилари бўлим мудирлари ҳайъат йиғилишларига Жиззахда тўпланардигу, у тугагач, ҳаё-ҳайт деб жой-жойимизга жўнаб юборардик. Энди йиғилиш ўтказилаётган тумандаги мактаб ва боғчалар билан танишиб янгиликлардан хабардор бўляпмиз, ўзимиздаги илғор иш тажрибаларини гапириб беряпмиз. Бир-биримизнинг ички аҳволимиздан хабардор бўлиб турибмиз, — деди Ғаллаорол туман халқ таълими бўлими мудири Яраш Кўлиев.

Зомин тумани халқ таълими бўлими мудири Мукаррама Эшонова, Зарбдор тумани халқ таълими бўлими мудири Эрбўта Муҳаммадқулов ҳам шундай фикр билдиришди.

Албатта, ҳар қандай учрашув сўнггида бир пиёла чой ташкил қилинади. Шу баҳона Кенгашнинг фақат шу қисмига урғу берувчилар ҳам борлигини эслатиб қўймоқчиман.

Бахтиёр ака, биз билан хайрлашаётиб, «Бир ҳафтадан буён онамни кўролганим йўқ, эрталаб барвақт кетаман, ярим паллада қайтаман», дедингиз соғинч билан. Соғинч туйғуси кўнгил ҳалимлигидан, дил тозалигидан далолат. Тоза жойда тоза куртаклар ниш уради. Барча эзгу мақсадларингиз рўёбга чиқсин!

Эҳтиром ила:

**Асқар ШОКИРОВ.**
**«Маърифат» мухбири.**

# МУСТАҚИЛЛИККА БАҒИШЛАНДИ

«Мактабгача тарбия» журналининг Республикамиз мустақиллиги байрамига бағишланган махсус сони босмадан чиқди.

Журнал безаги бой ва ранг-баранг. Биринчи муқовада Ўзбекистон Республикаси герби, тўртинчи муқовада Модари хон даҳмаси акс эттирилган. 2-бетда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисидаги қарор эълон қилинган.

Мазкур сонда Мустақиллик куни озодлик, аҳиллик ва ободлик байрами эканлиги тўғрисидаги мақола босилган, шунингдек, «Кичик ёш. Оғзаки нутқни ўстириш», «Маънавият сарчашмаси», «Ўзбекистоним—Ватаним», «Ўзбек миллати» каби турли мавзулардаги мақола ва машғулотлар ҳам ўрин олган.

Таҳририят ходимлари ўзбек халқининг тарихига доир кўплаб илмий-бадиий мақолалар эълон қилиб, савоб ишга қўл ураяптилар. Ушбу сондаги «Қўҳна Мўнг», «Сув отининг туёғи» мақолалари ҳам шулар сирасидандир.

Журналда эълон қилинаётган бадиий жанрдаги шеър, достон, эртак, афсона ва ҳикоялар ҳам муштарийларда қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

*Миллий имло минбари*

# ҲАРФЛАР ҚАНДАЙ ЖОЙЛАШИШИ КЕРАК?

Мустақил Республикамизнинг жаҳон коммуникация тизимига чиқишини жадаллаштиришда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг жорий этилиши катта имконият яратади. Янги миллий алифбо асосидаги ёзувга босқичма-босқич ўтиш бўйича республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган дастур қатъий режа асосида амалга оширилмоқда.

1995/96 ўқув йилидан эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосининг амалга оширилиши ҳамда 2000-йилнинг биринчи сентябридан ёппасига жорий этилиши муносабати билан янги ёзув машинкаларини тайёрлаш катта амалий ва давлат аҳамиятига молик вазифадир.

Ўзбекча ёзув машинкаларини янги ўзбек алифбоси ҳарфлари билан қайта жиҳозлашда ҳарфлар қўлланиши (ишлатилиши)нинг статистик мезон (параметр)ларига асосланиши лингвистик ва техник жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги ўзбек тили матнларига асосан ҳарфларнинг ёзув машинкаларида қўлланишини ишлаб чиқишда биз жаҳон тилшунослигидаги, ва айниқса, муҳандислик лингвистикаси (ёки ҳисоблаш лингвистикаси) соҳасидаги тажрибаларга суянган ҳолда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг ҳарфларининг жойлашиш тартибини ишлаб чиқдик.

Лингвостатистик тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, ёзув машинкаларидаги тўрттала ҳарфдан, яъни инглиз тилида —э, т, а, о; немис тилида — э, э, с, н, а; латиш тилида— н, и, с; француз тилида — а, н, с, у; фин тилида — н, т, а, э; венгер тилида— э, а, т, и; рус тилида — о, э, а, н; ўзбек тилида эса: а, н, н, л, е, ё ҳарфларидан кенг фойдаланилади.

Тез-тез учраб турадиган (қўлланадиган) ҳарфларни (ҳарфлар бирикмасини ҳам) белгилаб олиш бевосита ёзув ва матбаачилик машиналаридаги клавиатура қурилмаларини, яъни клавишларни қулай жойлаштириш орқали клавишларнинг «умрини узайтириш» ва уларни тежаб қолишда, шунингдек, стенография соҳасидаги стенографик тизгинларни энг қулай ташкил этишда катта амалий аҳамиятга эгадир.

Қуйида ҳарфларнинг матнларда тез-тез қўлланишига кўра кўпидан озига қараб жойланиш (ўринланиш) тартибини келтирамиз. Бунда асосан, ҳар учала қатордаги (яъни биринчи, иккинчи, учинчи қатордаги) ҳарфларнинг жойлашувида ўрта қисмига кўпроқ диққат-эътибор қилинади: Ҳар учала чекка қисмида эса нисбатан камроқ қўлланадиган ҳарфлар жойлаштирилди. Уларни белгилашда бармоқларга тушадиган куч фоизи бош мезон сифатида олинди.

Республикамизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг жорий этилиши муносабати билан янги ёзув машинкаларида ҳарфларнинг жойлаштириш тартибини эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Суннатулла РИЗАЕВ,**
**ЎзПФИТИ бўлим мудири, доцент.**




**Ёзув машинкасидаги ҳарфларнинг жойлашиш тартиби.**

*Муаллим муаммо қўяди*

**Рустам МУРОД**

# ҚЎНҒИРОҚ КИМНИ ЧОРЛАЁТИР?

Бирданига таниш қўнғироқ жиринглайди. Мактаб ҳовлисида ғужғон ураётган болалар синф хоналарига қараб чопадилар. Мен билан мириқиб тамаки тутатаётган муаллим оғриниб, дафтарини қўлтиғига олади:

— Яна дарс, яна ўша безориларнинг олдига киришим лозим. Роса жонга тегди-да!

Ўйланиб қоламан. Нега муаллим дарсга киришдан безиллайди? Ахир, бу дўстим не-не тилаклар билан муаллимлик институтини имтиёзли тугаллаган эди-ю?

Кунларнинг бирида муаллим собиқ шогирди томонидан ўлар ҳолатда дўппосланди ва камина устоз ва шогирд муаммосини чуқурроқ таҳлил қилиш зарурлигини англаб етди. Калтакланган бўлса, шунга яраша айби бордир-да, дейишимиз мумкин ёки тарбияси ёмон ўқувчилар ҳам кўп-да, уларнинг адабини мелиса берсин, деб хулосалашимиз ҳам мумкин. Аммо «тарбияси ёмон»лар қаердан пайдо бўлмоқда? Булар ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаганмиз. Тўғрироғи, кўникиб кетганмиз.

Хўш, бундай нафрат шогирд юрагида қачон пайдо бўлди? Ким унинг мурғак қалбига қабиҳлик уруғини сочиб улгурди?..

Чеки-чегараси йўқ саволлар ичра ўртанаман. Кўз ўнгимда ўқувчилик йилларим гавдаланади. Қаттиққўл бир мураббий таъзиримни берганида, катта бўлсам, албатта ўч оламан, деганларим ёдимга тушади. Наҳотки, ўша дамларда менинг юрагимда ҳам устозга нисбатан нафрат туғилган бўлса?!

Вақтлар ўтиб, ўзим ҳам мактабда ишлай бошладим. Баъзи бир «тарбияси ёмон»ларни жазолаган вақтларимда ўша таниш қасос учқунларининг чақнаётганини сеза бошладим. Ва шуни англаб етдим-ки, биз — ҳозирги авлод тарбиячилари ҳам ярамас тарбия усулида таълим-тарбия олган эканмиз! Энди ўзимиз устозлардан ўтиб тушдик. Устознинг шаклланиш жараёнида қизил империя сиёсатининг мудҳиш асоратлари қолдирган яраларни кўришимиз мумкин. Ўша мудҳиш йилларда янгича «таълим» яратилган бўлиб, бу мутеларни етиштирадиган корхона эди.

Поёнсиз пахтазорларда ўқувчиларини подадай ҳайдаб юрган устозлар аста-секин ўзларининг маънавий дунёларидан ажрай бошладилар. Ўша дамларда мураббийларимиз ўзларининг билимлари билан эмас, жисмоний меҳнатини ташкиллай олишлари билан тақдирлана бошладилар. «Пахта штаблари»да ўқувчиларгина эмас, мураббийлару мактаб директорлари ҳам қалтираб туришарди. Мутелик таълими пўлатдай тобланди. Ваҳоланки, ортиқча меҳнат меҳнатга нисбатан нафрат уйғотади. Совуқ кунларда ҳам, тунларда ҳам доимо «норма» талаб қиладиган устозларга шогирдлар нафрат кўзлари билан қарай бошладилар. Дарсларда қаҳрамонликка, адолатга, тўғриликка чорловчи устозлар ҳаётда ўзларини оқлай олмадилар. Собиқ империя жаллодлари устозлар иродасини букиб ташлади. Адолатталаб устозлар ўқувчиларини ура бошладилар, қаҳрамонликка чорловчи устозлар қўрқоқлик қилдилар, тўғриликка ундовчилар эса шогирдларининг меҳнат ҳақларини чўнтакларига ура бошладилар. Шогирдлар олдида бир пул бўлганини англаб етган устозларнинг кўпчилиги виждонини юпатиш учун ўзларини ичкиликка урдилар. Бунинг устига, маориф соҳасидаги раҳбарлик лавозимларига таълим-тарбия кўчасидан ўтмаганлар ҳам ўтира бошладилар. Натижада маориф ишлари оддий хўжалик ишлари билан омухта бўлиб кетди. Дарслар ўлда-жўлда олиб борила бошланди ва устозлар ўз шогирдлари учун намуна шоҳсупасидан тушдилар. Бу маънавий инқирознинг бошланиши эди.

Қишлоқ жойларда зиёли синфнинг вакиллари муаллимлар бўлиб, улар юз бераётган воқеаларнинг тўғри нотўғрисининг фарқига бора олар эдилар. Шу сабаб, ҳақиқат талаб бўлиб, юқоридан ёрдам сўраб шикоятлар ёзишлари табиий эди. «Юқори» ўз томирларини ўзи узолмагани сабаб хатларни яна «паст»га қайтарарди. Пастдагилар эса ҳақиқатпарварларни баттар қийин аҳволга солиб қўйдилар, уларни «ёзувчилар, туҳматчилар» деб халқ ичида бадном қила бошладилар.

Маънавий емирилишнинг яна бир сабаби — муаллимлар иш ҳақининг ўта паст даражада эканлиги эди. Бу ҳолатни кечроқ бўлса-да, «англаб» етган собиқ бош котиб К. У. Черненко «юксак» бир ачиниш билан муаллимларга имтиёзлар бера бошлади. Масалан, қишлоқ ўқитувчилари учун томорқа ажратилди. Бу имтиёз устозларнинг яна-да расвосини чиқарди, чунки энди муаллимлар сабоқ чоғларида шогирдларига билим беришни эмас, эккан экинининг фойдасини ўйлар эдилар. Шундай қилиб, уотозлар бозорма-бозор кеза бошладилар. Янги табақа — муаллим-деҳқонлар ёки деҳқон-муаллимлар «хирмон»га чиқдилар.

Босқинчилик сиёсатининг бош вазифаси — мазлум миллатнинг исёнкор фарзандлари бўлмиш зиёлилар синфини тамоман синдириб ташлаш эди. Бу машъум ғоя етарлича амалга оширилди. Оддий ишчилар қаторида турмуш даражасига эга бўлолмаган зиёлиларга нисбатан халқ ичида ҳавас туйғулари батамом сўндирилди. Беш-олти болаини эплаб боқа олмаган муаллимлар мактаблардан бош олиб кетдилар. Якун шу бўлдики, зиё масканлари аёллар қўлларида қолди. Қолган бир ҳовуч эркаклар ҳам тирикчиликка яраша ҳақ олиш учун бир ярим-икки иш меъёрида ишлай бошладилар. Ҳар қандай бақувват асаб ҳам бундай машаққатга дош беролмаслиги тайин эди. Шу сабаб домлаларимиз инжиқ, тажанг бўла бордилар. Бу алфозда шогирдга таълим бериш эса ёш ниҳолни пайҳон қилиш билан тенг бўлиб қолди. Бунинг устига, ортиқча тўрачилик, кераксиз қоғозбозликлар устозларнинг тилка-пора бўлган асабларини янада эговлар эди. Ана энди, фараз қилинг, мана шундай ҳолатда ўттизта қора кўзнинг кўзини очиш нақадар машаққатли касб эканлигини!

Ҳаёт шу тарзда давом этаверса, бир кун албатта портлаш юз беришини сезган К. У. Черненко маориф соҳасида ислоҳот ўтказишга қарор қилди. Таранглашган асаблар бир оз бўшашди, дилларда умид пайдо бўлди. Кескин ўзгаришларни кута бошладик. Афсуски, икки йил давомидаги саъй-ҳаракатлардан кутилган натижа чиқмади. Ислоҳот мактаб деворларидаги алвон матолардаю иш папкаларида қолди, холос.

Миллий мактабларни саводсизлик ботқоғига ботиришнинг яна бир йўли мактабшунослик тизимининг ҳаддан ташқари ҳужжатбозлик ўчоғига айлантирилиши эди. Муаллим учун шундай шартлар мавжуд эдики, бу талабларни тўлиқ, бекаму кўст бажараман деган муаллим, албатта, дарсга тайёрланишга вақт тополмай қоларди. Бундан ташқари, ҳафтада бир ўтказилиши шарт бўлган «сиёсий ўқишлар», колхозларда, маҳаллаларда тарғибот ишларини олиб боришлар, сайловларда уйма-уй юришлар турган-битгани зараркунандалик эди. Чунки бир ўқитувчи бу ишлар билан шуғулланганда, иккинчиси «беминнат ёрдам» сифатида шеригининг дарсини ўтиши лозим эди. Муаллим синф раҳбари сифатида болаларнинг ота-оналари билан «суҳбат дафтар»лари тутар ва бу дафтарга суҳбатларни ёзиб, имзо чектириб олиши шарт эди. Ўқувчилар билан ўтказилган суҳбатлар ҳам ёзиб қўйилиши зарур. Менимча, бу ишлар турган-битгани масхарабозлик эди.

Ана энди устоз ва шогирд ўртасидаги муаммонинг мингдан бир тугунига жавоб топишимиз мумкин. Демак, шогирднинг ўз устозига қўл кўтаришининг сабабларини шахсий адоватлардан эмас, балки ана шу адоват уруғини сепган йиллардан — қизил империя йилларидан излашимиз даркор. Хатоларимизни эса асл сабабларни ўрганмай туриб тузатиб бўлмайди. Устозидан нимадир олаётганини англаган шогирд бошига қилич келганида ҳам унга қўл кўтармайди. Зеро, билим бергангина устоз, билим олгангина шогирдлик мақомига тўғри келади. Берилаётган билимни тушунишга қодир бўлмаган ўқувчи дарсда зерикади ва ўзига маъқулроқ иш билан шуғулланишни афзал кўради. Бу ҳолат эса мураббийнинг шусиз ҳам узилгудай бўлиб турган асаб торларини баттар тортади. Ғазабланган муаллим, албатта, боланинг адабини беради.

«Тарбияси ёмон» бўлган қаҳрамонимиз эртаси куниёқ устозни «дуэл»га чақиради ва ўч олади. Агар устоз намуна супасидан тушмаганида, ўқувчида ўзига нисбатан нафрат уйғотмаганида, балки кўнгилсиз воқеа содир бўлмаган бўлармиди?

«Тарбияси ёмон» шогирднинг пайдо бўлишига, фикримча, икки ҳол сабаб бўлади: биринчиси, мажбурий таълим тизими бўлиб, шогирд барча фанлардан маъруза тинглашга мажбурдир. Иккинчи сабаб — шогирд қалбидаги «Мен» (ор-номус)нинг ўлдирилишидир. Бу икки сабаб бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Берилган билимларни намойиш қилиш усули қадимдан таълим йўналишларида сақланиб келинган, аммо берилган билимларни тушунмаган шогирднинг сафдошлари ичида шарманда қилиш, уялтириш, ҳақорат қилиш, бир сўз билан айтганда, унинг «Мен»ини ўлдириш совет таълимида — мутелик таълимида кенг қўллана бошлади.

Боланинг лаёқатсизи бўлмайди, фақат унинг қайси соҳада қобилиятли экани аниқланса, бас. Кимдир математикани ёқтирмас, бироқ тарихни севар, кимнингдир тарихга тоқати йўқдир, бироқ у ҳисобни ёқтирар. Балки ҳамма фанлардан қолоқ ҳисобланган шогирд тимсолида буюк рассом яшириндир. Таълимнинг асосий вазифаси шу — шогирднинг оёққа қўйиш, холос. Ўзлаштиришнинг юз фоиз бўлиши мажбурий таълим тизимининг асосий талабидир. Аммо, ҳаёт қонунларидан келиб чиқадиган бўлсак, бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир, беш қўл баробар бўлмайди-ку!

Мажбурий дарслардан қочган шогирдларимизни «тарбияси ёмон»лар сифатида муҳокама қилавериб, ота-онаси билан «суҳбат»лашавериб ўз шогирдларимиздан айрилиб қолаётганимизни сезмай қолдик. Бу айрилиш ҳали-ҳамон ўзимиз сезмаган ҳолда давом этаётир, шогирдлар эса ҳаётдан ўз ўринларини талаб қилаётир.

Олимларимиз ҳам миллий мактабни ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини газета ва журналларда эълон қилиб, хайрли ишнинг бошланишига катта ҳисса қўша бошладилар. Биз бу жараённи тўхтатиб қўймаслигимиз, унинг жабҳаларини янада кенгайтиришимиз лозим. Келажак муаммоси фақат маорифчиларимизни эмас, барча соҳадаги жонкуяр инсонларни ташвишлантирмоғи зарур.

...Таниш қўнғироқ жаранглайди, болалар синф хоналари томон чопадилар. Муаллим дўстим эса қўл силкиганича ўз «безорижон»ларининг ҳузурига шошилади.

Ўйланиб қоламан: «қўнғироқ кимни чорлаётир?..».

*Республика ижодкор ўқитувчиларининг III анжумани олдидан*

# ЭЪЗОЗИНИ ҚИДИРГАН ҚАЛБ

Ҳар бир қалб ўзини эъзозлаган иккинчи бир эъзозли қалбни қидириб яшайди. У қалбда ўз аксини кўрмоқ истайди. Ўз аксини кўрмоқ орзуида тунлар мижжа қоқмай ширин хаёлларга толади, исмсиз туйғулар оғушида тонг оттиради. Аммо ижодкорлар қалбининг эъзози — ўз қалбидир. Шунинг учун ҳам барча ижодкорлар сингари шоир аҳли ўз қалбига, яъни ўз оламига интилиб яшайди. Зеро, ҳар бир шоир ўз қалбининг аксини фақат шеъриятдагина кўра олади ёхуд намоён эта олади. Ҳа, шеърият шоирлар қалбининг кўзгуси ҳисобланади. Мен шоира Шаҳло Аҳророванинг илк қўлёзма тўплами билан танишиб чиқиб, ўз эъзозини шеъриятдан тополган қалб эгаси эканлигига амин бўлдим. Унинг илк тўплами ҳам «Эъзозим» деб аталади. Тўпламда ўз аксини қидирган ярадор қалб навозишлари, тиниқ туйғуларда жилоланган муҳаббат қўшиқлари, қулоқлар ҳавзасига ўрнашиб қоладиган қароратли куйлар жамланган. Мен Жиззах шаҳри ҳунар-техника билим юртида иқтисоддан ёшларга сабоқ берадиган Шаҳлохоннинг иккинчи истеъдоди бўлмиш шеъриятидан айрим намуналарни ҳамкасбларига ҳавола қилар эканман, шоирага ўз шеърий чаманини яратишида толмаслигини тилайман.

**Эргаш МУҲАММАД.**

Бир пиёла чойга марҳамат! Х. Мирзакаримов сурат лавҳаси.

## ГУЛНИНГ ҚЎШИҒИ

Сиз мени эркаланг бир ғунча мисол,
Қошимга шабнамдан ўсмалар қўйинг.
Шафақ кўзгум бўлсин, энагам—ҳилол,
Чаман ичра танҳо гулдайин суйинг.

Илоҳий мушкларга кўмилиб яшай,
Зангор кокилимни нур бўлиб қучинг.
Биллур томчиларга чўмилиб яшай,
Менга камалакдан либослар бичинг.

Эркаланг қуёшдек меҳрингиз ийиб,
Тафтингиз ўт қилсин дудоқларимни.
Оҳиста шивирлаб, оғушланг суйиб,
Беркитай қизарган ёноқларимни.

Наргизлар ҳақида сўйлангиз эртак,
Меҳрга ташнаман, севгига қулман.
Билсангиз, мен нозик, энг танти чечак —
Фақат севиш учун яралган гулман!

## ТИЛАКЛАРИМ

ОИЛА ИИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Оила,
Остонанг момолар қурган кўшк,
Ўланлар толега чоғлансин,
Умиднинг қатида ўсган ишқ
Чимилдиқ бандларин боғласин—
Мен сенга муҳаббат тилайман.

Оила,
Бағрингда хиёнат унмасин,
Кўздаги жолани ёш этма,
Вафонинг қўллари синмасин,
Тунларни тақдирга тош этма —
Мен сенга садоқат тилайман!

Оила,
Тўрт девор ҳувиллаб боқмасин,
Бешикни чордоқда хор этма,
Алладан изтироб оқмасин,
Аёлни тирноққа зор этма—
Мен сенга саодат тилайман.

Оила,
Нодон бир ўғилнинг сўзлари
Отага тош бўлиб ботмасин,
Онанинг нигорон кўзларин
Фарзанди айшларга сотмасин —
Мен сенга оқибат тилайман.

Оила,
Ватан деб ўғлинг мард эр бўлсин,
Пойингда жаҳолат хор бўлсин,
Бўлсин бут имонинг, нон — ҳалол,
Дунёда насибанг бор бўлсин —
Мен сенга тўкис бахт тилайман!

## ФАРЗАНД

Синглим, сен тақдирдан сўрама тилла,
Шундай бир инжу бор қалбда унгувчи,
У бир ёниқ юлдуз — бағринг тўлгувчи,
Сен ўшани сўра, ўшани тила!

Синглим, сен тақдирдан сўрама меҳр,
Шундай бир меҳвар бор — бағринг яди,
Кўксингга лабидан меҳр қуяди,
Сен ўшани тила, у шундай сеҳр!

Синглим, сен севмоқ-чун сўрама юрак,
Шундай бир юрак бор — уриб тургувчи,
Томирида қонинг юриб тургувчи,
Сен ўшани тила, у буюк тилак!

Билсанг, бахтинг ўша, қалбинг бўлаги,

Кўтариб яша сен уни бошингга.

Бағринг уйилмасин, шуни тилагин,

Бевақт айланмасин қабр тошига.

Синглим, сен тақдирдан фарзанд сўрагин,

Сўнг унинг ўтниб умрини тила!

Шаҳло АҲРОРОВА,
Жиззах шаҳри ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси.

# ИККИ КИТОБ — ИККИ ҚАЛБ

Қўлимда икки китоб — икки шеърий тўплам. Иккаласи ҳам яқинда босмадан чиққан. Иккаласининг ҳам муаллифи оддий ўқитувчи. Фақат фарқи шуки, китобларнинг бири Тошкентда, иккинчиси Хоразмда нашрга тайёрланган. Уларни менга муаллифларнинг ўзлари тортиқ қилишди. Лекин бирови ҳам «Тўпламим чиққани ҳақида газетага ёзинг», дегани йўқ. Бу ишни ўзим ихтиёр этдим.

Мен Расулжон Юнусалиевни ҳар жиҳатдан яхши биламан. Негаки, у киши бекободлик, тағин-да аниқроғи, менинг ҳамкишлоғим, ҳаммаҳаллам. Иккинчи жаҳон уруши арафасида шу заминда таваллуд топган. 1962 йили Хўжанд дорилфунунининг тарих-филология факультетини тугатган. Ўшандан буён туманимиздаги турли мактабларда, турли лавозимларда ишлаб ёшларга таълим-тарбия бериб келади. Айни чоғда бадиий ижод билан ҳам шуғулланади — ранг-баранг мавзуларда шеърлар битади, мақолалар ёзади. Ёзганлари, қариб 35 йилдирки, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли туманлари, вилоятлари ҳамда жумҳурият миқёсидаги газета-журналларда босилиб туради, радио ва ойнаижаҳон орқали янграйди.

Яна бир жиҳати — Расулжон ака ҳаммани, катта-кичиклигидан, ким бўлишидан қатъи назар, «сиз»лаб гапиради. Лекин эвазига ҳеч қачон бирор нарса таъма қилмайди. Бунга ўзим ҳам кўп бор гувоҳ бўлганман. У, гарчи бизнинг синфга сабоқ бермаган бўлса-да, мени ўз шогирдлари қатори кўриб, «Тошкент ҳақиқати», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарида узоқ йиллар ишлаганимдан ғурурланиб, баҳоли-қудрат ёзган мақола-очеркларимни орқаворотдан одамларга мақтаб, тарғиб қилиб юрганидан хабардорман. Бироқ, бирор марта бўлсин, «Мана шу шеърим ёки мақоламни чиқаришга ёрдамлашиб юбор», деганини эслай олмайман...

Ярим йилча муқаддам Расулжон ака Тошкентга келганида ишхонамга йўл-йўлакай кириб ўтди. Анча вақт ўтган-кетгандан суҳбатлашиб ўтирдик. Хайрлашиш олдидан у менга бир гап айтди. «Биласизми, ука,— деди алланечук ўйчан оҳангда, — бундай ўйлаб қарасам, ана—мана дегунча 55 ёшни ҳам қоралаб қўйибман. Аммо шу пайтга қадар алоҳида китобим чиқмабди. Яқинда шеърларимдан энг маъқул 45—50 тасини жамлаб, «Чўлпон» нашриётига топширдим. Насиб этса, ҳадемай Нов босмахонасида босилади. Биттасини дастхат ёзиб, сизга келтириб бераман».

Мана, ўша китоб: «Кабутар ўйини». Янги, ҳали бўёқ ҳиди анқиб турибди. Муқованинг ички бетида эса ваъда қилинган дастхат.

Қувониб кетдим. Қўлимда китобни эмас, гўёки қадрдон қишлоғимда ёпилган табарук нонни тутиб тургандай эдим. Ватан, Она, Ер, Тинчлик, Дўстлик, Баҳор, Меҳнат, Ҳаёт васф этилган, кишини меҳр-оқибатга, вафо-садоқатга, поклик ва ҳалоллиққа чорловчи мисраларни ўқиётганимда эса ўзимни азим Сир бўйларида кечган болалигимга қайтгандай, пахтазор далаларда қолган изларимни, илк муҳаббатимни такрор топгандай ҳис этдим, самимий-дилкаш, меҳнатсевар-содда, бағрикенг ҳамюртларим билан юзма-юз суҳбат қургандек бўлдим. Бу демак — Расулжон акага тўлган режалари, орзулари оламжаҳон. Айниқса, болалар орасидан қобилиятлиларини танлай олиш устоздан катта маҳорат талаб этади. Мактаб саҳнасида қўйилган «Ўч», «Иккинчи апрель» каби саҳна томошаларида тўғарак аъзоларидан Фахриддин Мақсудов, Гулноза Абдуллаева, Нурилло Мирвосилов нинг шеърлари қалб қўри билан ёзилган, ҳаётий чиққан. Бу демак — энди унинг тўплами ҳам юзлаб-минглаб хонадонлардаги китоб жавонларидан муносиб жой олади. Бу ҳар қандай ижодкор учун ҳам катта бахт!

Дарвоқе, «Кабутар ўйини» 1,5 босма табоқ ҳажмида, 1500 нусхада нашр этилган. Ленинобод вилояти Нов тумани босмахонасида босилган. Унга ёзувчи, филология фанлари номзоди Сафо Матжон сўзбоши ёзган, айни чоғда муҳаррирлик ҳам қилган. Мусаввир Н. Жўрабоев эса мўйқалам воситасида жило берган.

Иккинчи китоб «Кўнгил нидолари» деб номланган. Муаллифи Гулсара Худойберганова. Мен илгари бу шоиранинг ижодидан намуналарни гоҳ-гоҳида жумҳурият матбуотида ўқиб турардим. Ўзи билан эса ҳеч юз кўришмагандим. Атиги ўн кунча бурун танишдим. У аввалроқ таҳририятимизга йўллаган шеърлари тақдири билан қизиқиб келган экан. Шу баҳона бошланиб кетган гурунгимиз давомида Гулсара опа 1973 йили Хоразм давлат педагогика институтининг филология факультетини битирганини, ҳозирда ўзи туғилиб ўсган Ҳазорасп туманидаги Улуғбек номидаги мактабда ишлаётганини билиб олдим. Танишувимиз ниҳоясида у менга ўз қаламига мансуб «Кўнгил нидолари»ни ҳадя этди. Китобчани мутолаа қилиб, уни аёл қалбининг, она кўнглининг ўзига хос бир кўзгуси дегим келди.

Зеро, шоиранинг битиклари, айниқса, меҳр-мурувват, ишқ-муҳаббат, она-Ер ва табиат мавзуидаги шеърлари равон ўқилади. Ширин тилда, содда-лўнда ёзилган. Уларда инсон қалбининг нозик, сеҳрларга бой нафис пардалари кўриниб туради, ҳаётга, эзгуликка ташна дил кечинмалари мавж уради. Бу Гулсара Худойберганова миллий шеъриятимиз бўстонига ўз овози, ўз сози билан кириб келаётган умидли адибалардан бири эканлигидан далолат беради. Наздимда, мусаввир Солий Қодиров ҳам буни яхши англаган. Шунга кўра китоб муқовасига дунё боқийлигини, ҳаёт улуғ неъматлигини ифодаловчи ажиб манзарани муҳр этган. Муҳаррир Баҳром Рўзимуҳаммад эса тўпламга шоиранинг энг сара шеърларини танлаб олган. Китоб вилоят матбуот бошқармасининг «Хоразм» таҳририят-нашр бўлими томонидан тайёрланган.

Эътирозга ҳожат йўқ, ҳар иккала тўпламда ҳали маромига етмаган, бадиий қусурлардан холи бўлмаган шеърлар ҳам учрайди. Шунга қарамай, кишини бошқа нарса қувонтиради. Расулжон аканинг ҳам, Гулсара опанинг ҳам асл касблари, боя юқорида айтганимдай, муаллимлик, асосий вазифалари ёш авлодга сабоқ ва тарбия бериш. Бу бурчни адо этиш— мактабда ишлаш эса, биласиз, осон эмас. Айниқса, иқтисодий тангликлар авж олган, ўқитувчи зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан ошган бугунги кунда анча мушкул. Ана шундай бир пайтда Расулжон ака, Гулсара опа сингари табиатан ижодга мойил муаллимларимиз мактаб ишларидан, уйрўзғор ташвишларидан ортиб қоғоз қоралашга вақт топган, китоб чиқаришга жазм этган эканлар, менимча, уларни фақат қутлаш, қўллаб-қувватлаш керак!

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ.**

## ҚИЗАЛОҚ

Ҳар галгидек ишдан толиқиб чиқдим-да, уйга шошилдим.

Йўлда борарканман, хаёлим уйда қилинадиган ишлар билан банд: уни қилиш керак, буни қилиш керак... «Керак», «керак»лар асабимни таранглаштириб юборган эди. Шу пайт йўл четида сочлари олинган, юмалоқ юзли, қоп-қора кўзлари чарақлаган, шоҳи кўйлакчали қизча кўринди ва қўлларини кўксига қовуштириб:

— Ашаламалайкум, малим, — деди.

Бирдан ҳаммаёқ чарақлаб кетгандай бўлди. Руҳим енгил тортиб, чарчоқларим унутилди.

«Мунча ширин бўлмаса, бу қизалоқ!»

— Ваалайкум ассалом, ширин қизим, — дедим эркалаб.

— Малим, меним ўқитасизми?

— Ўқитаман, доно қизим, ўқитаман.

Шу-шу ҳар куни ишдан қайтар эканман, таниш эшикка беихтиёр қарайман. Қадамларим секинлашади. Эшик очилади-да, ана шу қизалоқ:

— Ашаламалайкум... — дейди кўзчалари порлаб.

Ҳар куни қанча саломалик. Лекин мана шу жажжи қизалоқнинг қўлларини кўксига қўйиб берган саломи ҳаммасидан тансиқ туюлади менга.

**Момохол ЭЛМУРОДОВА,**
Қамаши тумани Ҳамид Олимжон номидаги мактаб ўқитувчиси.

*Сулола*

## КУЙЧИ ХОНАДОН

Йўлингиз тушиб, Жума шаҳрида истиқомат қилаётган Сайимовлар хонадони ёнидан ўтсангиз, «Биронта мусиқа мактаби ёки билим юртига келиб қолибманми?» деб ўйлашингиз мумкин. Негаки, бу хонадондан ҳамиша куй ва қўшиқ эшитилиб туради.

Санъаткор педагоглар оиласининг соҳиби Келдиёр Сайимов Самарқанд дорилфунуни математика факультетида ўқиб юрган йилларида бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнашиб, рубоб, тор, доира каби бир неча чолғу асбобларини чалишни ва мумтоз ашулаларни ижро этишни ўрганиб олганди. Ўқишни битириб, ўзи туғилиб ўсган Паст Дарғом туманидаги 30-ўрта мактабда ишлай бошлагач, 5 ўғил-қизини умумий ўрта таълим ҳамда махсус мусиқа мактабларида ўқитди. Йиллар ўтгани сайин хонадонда мусиқа асбоблари ҳам, ижрочилар ҳам кўпайиб борди. Улар ташкил этган «Дўстлик» оилавий дастаси Самарқанд вилояти миқёсида довруғ қозонди. Тўю томошалар, халқ сайиллари, кўрик-танловлар, туман педагогларининг нуфузли йиғилишлари даста иштирокисиз ўтмайдиган бўлиб қолди.

Келдиёр Сайимов Темур, Амирқул, Исмат каби укалари ва яқин қариндошуруғларида ўқитувчилик касбига ҳавас уйғотиб, уларни ҳам ўз сафига тортди, ўқитувчилар сулоласини ташкил этишга интилди. Ибратли оилалардан андоза олишди.

Йиллар ўтиб, Келдиёр Сайимовнинг орзу-режалари рўёбга чиқди. Эндиликда фарзандлари олий ўқув юртларини битириб, сулола сафини тўлдираяптилар.

Келдиёр Сайимов сўнгги 25 йилдан бери туман халқ таълими бўлими мактаблар назоратчиси вазифасида ишлаб, ёш ўқитувчиларга математика фанини чуқур ўқитиш бўйича методикамалий ёрдам бериб келяпти. Ишда, оилада, жамоат ўртасида ўз замондошларига ибрат бўлиб келаётган чинакам зиёкор самарали меҳнатлари эвазига Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг бир неча фахрий ёрлиғи ҳамда жумҳурият «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланган.

**Н. ЭШҚУВВАТОВ,**
Паст Дарғом туманидаги 24-мактаб ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУНАР ТАЪЛИМИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ 1994 ИИЛГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА АСПИРАНТУРАГА ЎҚИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Педагогика назарияси ва тарихи.

— Меҳнат ва касб-ҳунар таълими услубияти.

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, фалсафа ва чет тилларининг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ихтисос бўйича камида икки йил иш тажрибасига эга бўлганлар, шунингдек олий ўқув юртини битирган мутахассислар (фақат олий ўқув юрти давлат имтиҳон комиссиясининг тавсиясига кўра) қўйиладилар.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисида институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади;

— ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;

— таржимаи ҳол;

— илмий мақолалар рўйхати ёки реферат;

— олий ўқув юртини битиргандан сўнг, бевосита аспирантурага тавсия этилган шахслар учун давлат имтиҳон комиссиясининг қайдномасидан кўчирма;

— диплом нусхаси ва синов қайдномасидан олинган кўчирма;

— меҳнат дафтарчаси;

—2 дона сурат (5х6 ҳажмда);

— номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, белгиланган шаклдаги гувоҳнома.

Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй. ҲТИТИ аспирантура бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУНАР ТАЪЛИМИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРИГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Лаборатория мудири (фан доктори ёки номзоди—1).
2. Бош илмий ходим (фан доктори — 2).
3. Етакчи илмий ходим (фан доктори—5).
4. Илмий ходим (олий маълумотли—2).
5. Кичик илмий ходим (олий маълумотли—1).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй.

# МАКТАБ САҲНАСИ

Шайхонтоҳур тумани Ҳасанхон Исломов номидаги 41-мактаб-гимназияда иқтидорли болалар синфи, турли театр ва адабий тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

Театр тўгараги раҳбари Фарҳод Файзиев мактаб ҳаваскорлик театрини ташкил этиш учун тинимсиз изланишда. Тўгарак аъзолари томонидан қўйиладиган ҳар бир саҳна томошасида Фарҳод ака ҳам муаллиф, ҳам режиссёр сифатида бошқа мураббийларга ўрнак бўлмоқда.

— Республикамизнинг мустақилликка эришгани ўқитувчиларнинг елкасига ҳам катта масъулият юклади. Иқтидорли болаларни тарбиялаш, адабиётни, санъатни қадрлайдиган инсонларни воягa етказиш асосий бурчимиз. Бу вазифаларга ижодий ёндашиш керак, — дейди биз билан суҳбатда Фарҳод ака. —Масалан, ҳозир республикамиз театрларида томошабинлар камчиликни ташкил қилади. Бинобарин, биз театр санъатини қадрлайдиган ёшларни тарбиялашимиз керак. Фаол томошабин бўлиш эса катта билим талаб қилади. Болаларга ана шу руҳни сингдириш, уларни театр санъатига қизиқтириш учун ҳақиқий мактаб-театрларини ташкил этишимиз лозим. Бу театрлардан келажакда таниқли театр арбоблари ҳам етишиб чиқиши мумкин. Энг асосийси, театр санъатининг томошабини бўла олиш, томоша қилиш маданиятини эгаллаш, кўрилган саҳна асари ҳақида ўз фикрини баён қила олиш қобилияти ошади.

Бу ишга бевосита маориф соҳасидаги муассасалар, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси, қолаверса, Маданият ишлари вазирлиги раҳбарлик қилса, яхши бўларди. Шунингдек, республикамиздаги барча театрлар жойлардаги мактаб-театрлар фаолиятини қўллаб-қувватлашса, декорациялар, костюмларни танлаш ва топишда маънавий ҳамда моддий ёрдам беришса, савоб ишга қўл урилларди.

Мактаб театрлари дастурини ҳам ўйлаб кўриш керак. Чунки ҳозир мактабларда бирор тадбир муносабати билан саҳна томошаси қўйиш лозим бўлиб қолса, катталарбоп асарлар ижро этилади. Мактаб ҳаётидан олиниб ёзилган саҳна асарлари йўқ ҳисоби. Менимча, ана шундай асарларни жамлаб, тўплам тузиш лозим.

Фарҳод аканинг мактаб театри соҳасида тузган режалари, орзулари оламжаҳон. Айниқса, болалар орасидан қобилиятлиларини танлай олиш устоздан катта маҳорат талаб этади. Мактаб саҳнасида қўйилган «Ўч», «Иккинчи апрель» каби саҳна томошаларида тўғарак аъзоларидан Фахриддин Мақсудов, Гулноза Абдуллаева, Нурилло Мирвосилов, Жавид Тўхтамаматов, Раҳимжон Собиров, Азиз Абдуллаев, Шаҳноза Турдиалиева сингари иқтидорли ўқувчиларнинг ижроларини кўпчилик ота-оналар ва ўқитувчилар, шунингдек, томошага таклиф қилинган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қаҳрамон Абдураҳимов ва артист Беҳзод Муҳаммадкаримовлар юқори баҳоладилар.

Ана шундай тўгаракларни ташкил этишда, турли тадбирларни уюштиришда мактаб директори Назира Аҳмедованинг олиб бораётган ишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Ҳар бир иш фидойиликни талаб этади. Меҳнаткаш, ўз ишига сидқидилдан меҳр қўйган, меҳрибон устозлар тарбиялаётган ёшлар келгусида юртимиз донғини оламга ёядиган, миллатимиз руҳини, қадр-қимматини юксакларга кўтарувчи инсонлар бўлиб етишишига ишонамиз.

**Адиба ҲАМРО қизи.**

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги жамоаси халқ таълими фахрияси **Марям Шариповна НОРБЕКОВА** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг сила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий кенгаши, Самарқанд вилояти «Меҳнат резервлари» КСЖ раиси муовини М. Аҳмедовга отаси **Аҳмад ҲАМРОҚУЛОВ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жиззах вилояти Фориш туманидаги 79-мактаб жамоаси немис тили ўқитувчиси Абдусамад Бобоевга онаси **Муқаддама Шароф қизи БОБОХУЖАЕВА** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти жамоаси иқтисодий назария кафедрасининг доценти, чақириққача ҳарбий тайёргарлик факультетининг декани **Абдуҳамид НИЗОМОВ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Юнусобод тумани халқ таълими бўлими ва 150-мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчиси Мунаввар Азимбоевага онаси **Зуҳра ТУРСУНБОЕВА** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Юнусобод тумани халқ таълими бўлими ва 150-мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчиси Саодат Тўлаганова турмуш ўртоғи **Абдували ТЎЛАГАНОВ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Махмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва умумий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Маҳкам Раҳмонов, Қурбонбой Матқурбонов,

ИНДЕКС: 64595. Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти 20.00. Топширилди 20.00. 1 2 3 4 5 6